



THE MAIN STAGE OF NORTH AFRICAN IMMIGRATION TO FRANCE

Nodir Tursunov

Head of the Department of Academic Activities and Credit System Management, Independent Researcher

Angren University

Angren, Uzbekistan

E-mail: nodir.tursunov.73@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: France, immigration, demography, illegal immigrant, Nakkach-Granval, Algeria, Tunisia, Morocco, emigration, crisis.

Received: 16.01.24

Accepted: 18.01.25

Published: 20.01.25

Abstract: The phenomenon of migration emerged simultaneously with the appearance of humanity on Earth. In the early periods, natural disasters and wars between peoples and states negatively impacted not only the economic, social, and cultural life of these states but also the lives of citizens residing within them. In such circumstances, the movement of affected citizens to relatively peaceful areas to improve their living conditions gave rise to migratory processes.

ФРАНЦИЯГА МАГРИБ ИММИГРАЦИЯСИ ШАКЛЛАНИШИНинг АСОСИЙ БОСҚИЧИ

Нодир Турсунов

академик фаолият ва кредит тизимини бошқарши бўлими бошлиги, мустақил тадқиқодчи

Ангрен университети

Ангрен, Ўзбекистон

E-mail: nodir.tursunov.73@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Франция, иммиграция, демография, нолегал, Наккаш-Гранваль, Жазоир, Тунис, Марокаш, эмиграция, инқизор

Аннотация: Миграция омили инсониятнинг ер юзида пайдо бўлиши билан бир вақтда вужудга келди. Дастраси даврларда инсоният бошига келган табиий оғатлар ва халқлар ҳамда давлатлар ўртасидаги урушлар нафақат шу давлатларнинг, балки унда яшаётган фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига салбий таъсир қўрсатди. Бундай ҳолатда азият чеккан фуқароларнинг яшаш имкониятини

яхшилаш мақсадида нисбатан тинч худудларга кўчиши миграциявий жараёнларни вужудга келтириди.

ОСНОВНЫЙ ЭТАП ФОРМИРОВАНИЯ СЕВЕРО-АФРИКАНСКОЙ ИММИГРАЦИИ ВО ФРАНЦИЮ

Нодир Турсунов

руководитель отдела академической деятельности и управления кредитной системой, независимый исследователь

Ангренский университет

Ангрен, Узбекистан

E-mail: nodir.tursunov.73@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Франция, иммиграция, демография, нелегальный иммигрант, Наккаш-Гранваль, Жазоир, Тунис, Марокко, эмиграция, кризис.

Аннотация: Фактор миграции возник одновременно с появлением человечества на Земле. В начальные периоды существования человечества стихийные бедствия и войны между народами и государствами оказали негативное влияние не только на экономическую, социальную и культурную жизнь этих государств, но и на жизнь проживающих в них граждан. Перемещение пострадавших в таких ситуациях граждан в относительно спокойные районы с целью улучшения их жизненных условий привело к возникновению миграционных процессов.

Кириш. XXI аср бошлирига келиб халқаро миграция жаҳонда содир бўлаётган жараёнларнинг муҳим омилига айланди ва улар халқаро муносабатларда ўзининг улкан таъсирини ўтказмоқда. Бу ҳолат миграция жараёнларига амалда деярли барча мамлакатлар тортилганлиги билан боғлиқ. Улардан айримлари катта миқдордаги ишчи кучига эҳтиёж сезаётган тараққий этган давлатлар бўлса, бошқалари ички бозорда бундай кучнинг ортиқчалигидан уларни ташки бозорга олиб чиқаётган ривожланаётган давлатлардир.

Бугунги кунда қўп миқдорда арzon ишчи кучи қабул қилаётган давлатлардан нисбатан йириклари – АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Германия, Скандинавия мамлакатлари ҳисобланади. Лотин Америкаси, Осиё, Шимолий Африка мамлакатлари эса, бу тоифадаги кучларни етказиб берувчилардир. Бир қанча мамлакатларда (АҚШ, Германия) иммигрантлар ишчи кучининг 10% ини ташкил қиласи. Кўплаб мамлакатлар иқтисодиётининг асосан қўл меҳнати кенг қўлланиладиган соҳаларида (тўқимачилик, терига ишлов бериш, озиқ-овқат ва ҳ.к) «келгинди» ишчилар малакаси паст бўлганларнинг ярмини, баъзан ундан ҳам кўпроғини ташкил қиласи. Ушбу соҳаларда хорижлик ишчилар маҳаллий ишчиларга нисбатан камида 15% кўпроқ банд.

Хозирги вақтда Францияда французларнинг 1/3 қисми қачонлардир бу мамлакатга доимий жойлашиб олиш учун келган иммигрант-аждодларга зга. Бу ҳолат иммиграция муаммоси жуда кўплаб француз оилалари тарихига бевосита ёки билвосита тааллуқли деб гапира олиш хукукини беради.

Асосий қисм. XX асрнинг 30-йилларида иқтисодий инқизорзлар бошланган пайтда француз хукуматнинг мамлакатга чет эллик ишчиларнинг келишини чеклаш ва ўз ватанига қайтиб кетишга қарор қилган ишсиз иммигрантга молиявий ёрдам бериш тўғрисида дастлабки қарорлари эълон қилинди. 1932 йил 10- августдаги миллий ишчи кучларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонун иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида чет эллик ишчилар сонини камайтириш учун асос бўлди [1; 7].

Иккинчи жаҳон уруши ҳам иммигрантлар сонининг камайишига олиб келди. Лекин шимолий африкалик иммигрантлардан Франция биринчи жаҳон урушида бўлгани каби йўқотилган одамлар ўрнини тўлдириш учун фойдаланди. Масалан, 1939 йили 10 минг марокашлик армияга чакирилган бўлса, 1945 йили уларнинг сони 45 минг кишига етди [2; 11].

Жазоирлик, тунислик, марокашлик аскарлар фашистларга қарши мардонавор жанг қилишди ва улар французлар билан бир қаторда босқинчилар устидан қозонилган ғалабага ўз ҳиссаларини қўшишди. Анри Амур ўзининг «Un printemps de mort et d'espoir» («Ўлим ва умид баҳори») номли китобида қўйидаги қизиқ фактни келтирган: Бельведер учун бўлган жангларда тунислик лейтенант Эль Хади Бек Гоум ўз аскарлари билан 470-рақамли тепаликни эгаллади. У оғир яралangan аҳволда: «Яшасин Франция!» дея қичқираётган эди [3; 15].

1931-1945 йиллар давомида иммигрантлар сонининг сезиларли даражада қисқариши юз берди. Бу қисқариш ўрнини ҳатто испан қочоқлари оқими ҳам тўлдира олмади. 1946 йили чет эллик аҳоли 1,7 миллион кишини ташкил этди (1936 йилда - 2,2 миллион) [4; 7]. Миллий демографик тадқиқотлар институти (INED) ва Режалаштириш бўйича умумий комисариатнинг Иккинчи жаҳон уруши яқунлари бўйича эълон қилган маълумотларида аҳоли дефицити (урушдаги йўқотиш 1 миллион киши) 5,5 миллиондан 14,4 миллион киши оралиғида бўлган, шундан 2,5 миллион — катта ёшдагилар деб кўрсатилади [4; 7]. Генерал де Голль Конституцион Ассамблея олдида 1945 йилнинг 2 марта сўзлаган нутқида, «бундан кейинги йилларда оқилона ва чуқур ўйланган иммиграцион сиёsat юритиши»ни таклиф қилди [2; 70].


5 йил ичида 1,5 млн. кишигача четдан таклиф қилиш тахмин қилинди. Масалан, ишчи кучи бўйича Комиссия 1947 йилда 250 минг, кейинги 1,5 йилда эса 430 минг чет эллик ишчиларни қабул қилган бўлиб, улардан кўпчилиги жазоирликлар эди [4; 7]. 1945 йилнинг 2 ноябридаги фармон билан иммигрантларнинг Францияга кириб келиш ва у ерда бўлиш шартлари аниқлаштирилди; шунингдек, миграцион оқимлар назоратига ва чет эллик ишчиларни ёллаш

ишиларига монопол ҳуқуқи бўлган ва иммигрантларни Франция худудига жойлаштириш ишиларига маъсул бўлган Миллий иммиграция хизмати (ONI) тузилди.

Умумий иммиграция асосан мағриб иммиграцияси ҳисобига – йилига 32,5% (марокашликлар - 37,5% ва тунисликлар - 12%) га чет элликлар сони ортиб борди. Раҳамлар билан кўрсатилганда бу ҳали унчалик кўп эмас эди: масалан, тунисликлар 1946 йили 1916 кишини ташкил этган бўлса, 1954 йили 4800 кишини ташкил этган [5; 97].

1954-1962 йиллар меҳнат бозоридаги чуқур ўзгаришлар, Жазоирдаги уруш ва иқтисодий кўтарилишлар билан характерланади. Бу даврда Жазоирдан келаётган эмигрантлар сони йилига - 11,3 киши камайди, аксинча марокашлик ва тунисликлар сони кўпайди. Марокашлик иммигрантлар орасида француз армиясида жанг қилган аскарлар ҳам кўп бўлиб, улар демобилизация қилинганларидан сўнг шахталарда ишлаш учун қолган эдилар. Улар оила қуриб, ишли бўлганларидан сўнг уйларига қайтмаган эдилар. XX асрнинг 50-йилларидағи маълумотларга кўра, иммигрантлар 79% металлурглар, 72% қишлоқ хўжалиги ишчилари, 68% қурувчилар, 54% тоғ-кон ишчилари эди [7; 72].

Ҳаммаси бўлиб, Миллий иммиграция хизмати маълумотларига кўра 432 минг чет эллик ишчи қабул қилинган бўлиб, бу режалаштирилганидан анча кўп эди [1; 9]. 1962 йилдан бошлаб европалик эмигрантлар (испанлар, итальянлар, португаллар) сони қисқариши давом этди, бир вақтнинг ўзида Мағриб ва Африка мамлакатларидан кўчиб келаётганлар сони тўхтовсиз ўсиб борди. Бу ҳолат қуйидаги жадвалда яққол кўринади:



Маълумотлар олинди: *Le Moigne G., Lebon A. L 'immigration en France. P., 1999. P.20.*

1964 йилнинг 10-апрелида ўзининг қаттиқ назорати билан ажралиб турадиган, 1965-66 йилларда жазоирликлар оқимини кескин камайтирган, «Наккаш-Гранваль келишуви» деб номланган биринчи француз-жазоир келишуви имзоланди. 1968 йилнинг 27-декабрида имзоланган янги келишув эмигрантларнинг йиллик миқдорини уч йилга 35 минг киши қилиб белгилади [5; 99]. Шундай килиб, иммиграциянинг йиллик ўсиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Анча кейин бошланган марокашликлар ва тунисликлар иммиграцияси ундан сезиларли даражада кам эди: худди шу вақт оралиғида марокашликларнинг сони 50 минг кишидан 218 минг кишига, тунисликлар сони 35 минг кишидан 120 минг кишига ўсади [5; 99].

Эмигрантларнинг сонини қатъий чеклаш бўйича хуқуқий масалалар ҳақидаги Конвенцияни Франция 1963 йилда Марокаш ва Тунис давлатлари билан ҳам имзолади. Келишувда иммигрантларнинг ёши иш берувчиларни кўпроқ ишга яроқли ишчилар билан таъминлаш мақсадида, жумладан ёллаш муддати 18 ой бўлган шахталарда 35 ёшгача қилиб белгиланган эди.

Оилавий иммиграция кўпроқ марокашликлар орасида кузатилди. Мамлакатга келиб жойлашган марокашликлар нисбатан кўпроқ имтиёзларга эга эдилар. Масалан, XX асрнинг 60-йилларида марокашликлар беш йил давомида ишга лаёқатсизлик бўйича нафақа олишарди, тунисликлар эса бундай нафақани фақат уч йил давомидагина олишарди [5; 100].

Франциядаги ҳамма чет элликлар сони олиб қаралганда 1962-1972 йиллар оралиғида мағрибликлар сони фоиз ҳисобида 25,5 дан 34,9 фоизгача ўсади [8; 27]. Ж.Помпиду ва В.Жискар д'Эстен даврида Францияга нисбатан кўп сонли мағрибликлар кўчиб келишди. Бу даврда Франция фуқаролигини қабул қилган шахслар сони ҳам ўсади. 1970 йилда уларнинг сони 35 минг кишини ташкил этган бўлса, 1978 йилда 54 мингта етди. Узоқ давом этган ассимиляция натижасида ҳар йили 2 минг марокашлик Франция фуқаролигини қабул қиласа өтди [5; 99].

XX асрнинг 60 – йиллари охири 70-йилларининг бошларида Франция иқтисодидаги инқирозли ҳолатлар – ишсизликнинг ўсиб бориши, ижтимоий заруратлар учун давлат харажатларининг камайтирилиши айниқса эмигрантларга оғир таъсир кўрсатди. Ирқчилик кайфиятининг ўсиши, ксенофобия инқирозларнинг доимий йўлдошига айланди.

Чет эллик ишчилар шунинг учун ҳам икки томонлама зарба остида қолишди, ўнг кучлар инқироз туфайли содир бўлаётган барча қийинчиликлар учун уларни айбор («boucs émissaires») қилишга ҳаракат қилишди. «1,5 миллион ишсиз – демак 1,5 миллион иммигрант ортиқча» чакириғи ўнг партиялардан бирининг шиорига айланди [9; 138]. Парижда чиқадиган «Le Nouvel Observateur» журнали бу давр ҳақида шундай деб ёзган эди: «Жазоир ва бошқа Мағриб мамлакатларидан келган эмигрантлар ишсизликдан бошқаларга нисбатан кўпроқ жабр кўришди, аммо уларнинг ўзини шу ҳолатни келтириб чиқарганликда айблашди.

Француз ҳукумати иммиграцияни назоратга олиш учун ҳаракатни давом эттириди. 1972 йили Жазоир ҳукумати билан имзоланган шартномага кўра, меҳнат иммиграцияси микдори 25 минг киши қилиб белгиланган эди. Бундан ташқари, 1972 йилнинг 23-февралида муаллифнинг номи билан «Фонтане фармойиши» деб аталган фармон кучга кирди [10; 87].

Инкиroz Жазоир томонидан нефть саноатининг национализация қилинишидан кейин француз-жазоир муносабатларининг кескинлашган даврига тўғри келди. Францияда мустамлака имтиёзларидан маҳрум бўлганлар фаоллаша бошлади. Жазоирликларга қарши қайфиятдаги чиқишилар кескинлашди. Мағриб мамлакатларидан келган эмигрантлар жангари ирқчилар тазиики остига тушиб қолди. Жазоир Xалқ Демократик Республикаси президенти Хуари Бумедъен ўз чиқишиларидан бирида кўйидагиларни гапирди: «Биз индамасликка ҳаракат қилдик, бироқ ҳозир сабр косамиз тўлди. Келажақдаги жазоир-француз муносабатлари Франциядаги жазоирлик ишчиларнинг хавфсизлиги ва инсон сифатидаги қадр - қиммати қай даражада ҳурмат қилинишига боғлиқ» [11; 50].

1974 йилнинг 5-июлидаги фармон билан Францияга чет эллик ишчиларнинг доимий иммиграцияси вақтинча тўхтатилди, оилавий иммиграция эса 1975 йилнинг 1-июлига қадар тақиқланди. Бундай сиёsat тез орада ўз мевасини берди: 1974 йили Францияга келаётган хорижлик ишчилар сони 132 055 кишидан (1973 й.) 64 461 кишигача қисқарди, 1975 йили эса, 25 591 кишини ташкил этди [10; 93].

Хуроса. Француз ҳукумати хорижликларни келишини чеклашдан ташқари, олдин келган иммигрантларнинг чиқиб кетишини тартибга солиш чора-тадбирларини ҳам кўра бошладилар. Агар иммигрант ишчи ватанига қайтиб кетишини хоҳласа унга маҳсус пуллик ёрдам кўрсатиларди. Масалан, 1974 йили бундай ёрдам микдори битта ишчига 10 минг франк (2 000 \$) ни, ҳар бир фарзанди учун 5 минг франкни ташкил этган ва яна қўшимча йўл кира ҳаки ҳам тўланган [10; 94]. Бироқ, Мағриб мамлакатларининг иқтисодий аҳволи ва у ерда юз бераётган сиёсий жараёнлар қайтиб борувчиларни иш билан таъминланишига йўл қўймасди ва бу ҳолат иммигрантларнинг қайтиб бориш имкониятларини амалда йўққа чиқарар эди. Улардан бор-йўги 3% ватанларига қайтишди, бироқ бу ҳолат сон жиҳатдан уларнинг қариндошларининг келиши ва нолегал иммиграциянинг ўсиши билан қопланиб кетди [11; 47].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Le M'oigne G., Lebon A. L'immigration en France. P., 1999.
2. L'immigration maghrébine // Hommes et migrations, 1988, №11.
3. Amouroux H. Un printemps de mort et d'espoir. P., 1985.

4. Павлуцкая Э.В, Формирование североафриканской трудовой иммиграции во Франции. В сборнике: Арабские страны Западной Азии и Северной Африки (новейшая история, экономика и политика). М., 1997.
5. Черкасов П.П. Судьба империи. М., 1983.
6. Miesa O. Les Français devant L'émigration. Bruxelles, 1988.
7. Maghreb. 1974, №61.
8. Пономаренко Л.В. Африка и Франция: взаимодействие и взаимовлияние цивилизаций. М, 1997.
9. Le Nouvelle Observateur. 1999, 6-12 марта.
10. Акинин В.Е. Африканцы в Европе. Африканская диаспора во Франции и Великобритании в 60-80-х годах XX века. М., 1996.
11. Кукушкин П.В. Положение эмигрантов из стран Магриба во Франции: социально-политическая проблема в человеческом измерении // В кн.: Гуманитарные аспекты международных отношений. М., 1992.